

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИДА
МАҲАЛЛАЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОЙ ИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

М.Абдурахмонова

и.ф.н., доцент, ФДУ

Ш.Абдусатторова

магистрант, ФДУ

Мамлакатимизда “ижтимоий иш” (ижтимоий хизмат) касби янги касблардан бўлиб, инсонларга, жумладан ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ инсонларга ижтимоий ёрдам, ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг жамиятга мослашиши ва интеграциялашувига кўмаклашиш бўйича касбий салоҳиятли ёрдамни амалга оширувчи малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжни кучайиб бориш муносабати билан катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Ижтимоий иш қадимдан ҳар бир инсон қалбида жойлашган бўлиб, меҳроқибат, муруват, яхшилик қилиш, тарбия ва инсонийлик каби сифатларда акс этиб келган. Аслида бу сифатлар инсонлар қалби орқали бир-бирига берилади, ўтади. Ушбу сифатларга қаратилган ҳаракатлар Европа, Ҳиндистон, Яқин Шарқ, Хитой, Ўрта Осиёдаги мамлакатларда ижтимоий фикр ва ғояларни амалиётга татдиқ этишда салмоқли ўрин эгаллаган. Жумладан, Қадимги “Авесто” (мл ав IX-VIII асрлар) китобида ер юзида адолат қарор топиши учун кишиларнинг ирқи, тили, урф-одатларидан ғарқларидан қатъий назар, уларнинг фаровон ҳаёти учун курашувчи жасур, ҳалол, пок, тадбиркор, ташаббускор инсонларни шакллантириш ва тарбиялаш ғояси илгари сурилган²⁵.

Ислом динининг муқаддас китоби Қуръони Каримнинг “Нисо” сурасида “.....етимларнинг ҳақларига риоя қилиш, кичик ёшдаги болалар, заиф кишилар ва аёлларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш” ҳамда “оилани мустаҳкамлаш, қариндошуругчиликни жойига қўйишига”²⁶ катта эътибор берилган. Шунингдек, Хадиси шарифларларда ижтимоий ишнинг турли жиҳатларига эътибор қаратилиб, Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.)дан ривоят қилинади, у киши айтадилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) “Яхши деб ҳисобланадиган ҳар бир иш садақа бўлади деганлар”²⁷ деб таъкидлайди.

Хитой Конфуцийси (м.о. 551-479 йй.) таълимотида, олийжаноб инсон бешта хусусиятга эга. Биринчиси -женъ- инсонийлик, иккинчиси-и-адолат, учинчиси-ли-таомил, тўртинчиси-чжи-соғлом фикрлаш, бешинчиси-синъ-саимийлик.²⁸ деб таъкидланиб, женъ- инсонийлик, урф-одат адолатдан келиб чикса, адолат

²⁵Razzoqov A., Toshmatov Sh., Ormonov N. Iqtisodiy talimotlar tarixi.-T.: Iqtisod-moliya, 2007. – Б. 13.

²⁶ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. Биринчи жуз”Hilol-nash” нашриёти, Тошкент, 2013. –Б. 474-475.

²⁷ Ал-адаб ал-муфрар. 37- бет. Имом Исмоил ал-Бухорий www.ziyouz.com кутубхонаси

²⁸ Конфуций, Ҳикматлар. Жўраев О., Жўраева К. Русчадан таржимаси. Тошкент. А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. Б.6-7.

инсонийликдан келиб чиқади. Демак, инсонийлик ҳамдардлик, хайрихохлик, раҳм-шафқатли бўлиш, одамларни севиш, уларга ғамхўрлик ҳиссидан иборат²⁹ деб берилади. Конфуций таълимотида келтирилаётган бешала таомил бугунги кунда олиб борилаётган ижтимоий иш фаолияти ўзагини қамраб олади.

Буюк соҳибқирон Амир Темур (1336-1405 йй.) ижтимоий ҳаётга катта эътибор бериб, ижтимоий ҳаёт, сиёsat, иқтисодиёт, бошқарув ва ҳарбий соҳалардаги барча ғалабаларини, энг аввало, ўзининг тадбиркорлик билан иш юритганлигидан, тадбиркорликни ўз тафаккури ва ҳаракатининг шиори қилиб олганлигига деб билиб⁶, у “...адолат ва инсоф билан Тангirimning яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм-шафқат билан, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамларнинг кўнглидан жой олдим. Сиёsat ва инсоф билан сипоҳларимни, раиятни умид ва қўрқинч орасида тутиб турдим. Фуқаро ва қўл оstimдагиларга раҳмдиллик қилдим, аскарларимга инъомлар улашдим”⁷ деб таъкидлашларида, буюк соҳибқирон ҳукумронлик қилган давридаги ижтимоий ишга ургу берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 21-ноябрдаги Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиши соҳасидаги устувор вазифалари муҳокамасига бағишлиланган йиғилишида “Ижтимоий ҳимоя фақат нафақа тўлаш билан кифояланмасдан, балки муҳтожларнинг “оёққа туриши”га кўмаклашиши лозим деб таъкидлаб ўтадилар. Уларнинг фикрларида ижтимоий ҳимоя инсонларни фақатгина моддий қўллаб-қувватлаш эмас, балки аҳолининг заиф қатламларига турли хил ижтимоий-иқтисодий хизматларни йўналтириш орқали кўмаклашиш зарурлигини билдиради. Шу жиҳатдан чуқурроқ тўхтадиган бўлсак, Ижтимоий хизматлар ўзи нима? Шунингдек Иқтисодий хизматларчи? деган саволлар туғилиши табиийдир. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда “ИНСОН” деган улуғ мақомга созовар бўлаётган ҳар бир шахсга Ўзбекистонда барча ижтимоий-иқтисодий шароитлар яратилмоқда. Масалан: Оилани шаклланиш давридаги: чуқур тиббий хизматлар, келин-куёвлар мактаби, соғлом хомиладорлик(она ва хомила болага скринг хизматлари, дори-дармондар, витаминалар, хомиладорлар учун потранаж хизматлари), бола түғилган сониядан бошлаб она ва болага тиббий хизматларни, ижтимоий зарурий хизматлар таъминланиши, моддий жиҳатдан ижтимоий таъминот, болалар нафақаси ва бошқалар билан кўмаклашишни, түғилгандан то балоғот ёшига еткунга қадар эмланиши кабилар, шунингдек болаларни Комил инсон қилиб етишириш мақсадида ёшлигидан мактабгача таълимга мажбурий жалб этилиши (бунда ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида, кам таъминланган болаларни тўлов бадалларидан озод қилиниши ёки қисқартирилиши), мактабга тўлиқ қамраб


²⁹Конфуций, Ҳикматлар. Жўраев О., Жўраева К. Русчадан таржимаси. Тошкент. А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. Б.6-7.

⁶Аҳмедов Б., Аминов А. Амир Темур ўйтлари. – Тошкент: Навruz, 1992. – Б. 11.

⁷ Соғуний А., Кароматов А., Аҳмедов Б. Темур тузуклари –Т.: Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1191, - 144 б.

олиниши, ҳаммага инклюзияни таъминланиши ҳамда уларни бепул озиқ-овқат, кийим-кечак ҳамда китоблар билан таъминланиши ва бошқа жиҳатларда ижтимоий-иктисодий ёрдам бериш орқали қўллаб-қувватланишилари кабилар киради.

Ю.Хабермас фикрича жамиятни инсонларнинг ўзаро муносабатлари ташкил этиб, умумқабул қилинган аҳлоқий қоидалар, нормалар қадриятларнинг ривожланиши натижасида, давлат ва жамият тараққий этиб, ўзгариб бораверади. Ижтимоий хизматлар тизими - инсонларнинг ўзаро муносабатларининг маҳсулидир³⁰. Рус тадқиқотчиси Л.К.Терещенконинг фикрича, ижтимоий хизмат кенг жамоатчилик орасида амалга ошириладиган фаолият бўлиб, у очиқлик, шаффофлик, ошкоралик тамойилларига таянади. Ижтимоий хизматни давлат бошқаруви органлари, тадбиркорлар, юридик, жисмоний шахслар ва нодавлат сектори амалга оширади.



Хукуқшунос олим Д.Н.Бахрахнинг фикрича: “Инсонларнинг, шунингдек, давлат ва жамиятнинг мақсадга мувофиқ фаолият йўналишларидан бири – бу хизматdir. Бу тушунча турли маъноларда: инсоннинг фаолият тури, ижтимоий-хуқуқий институт, давлат органларининг маҳсус тизими маъносида ишлатилиши мумкин. Хизмат – бошқарувдан, давлат фаолиятини амалга оширишдан, бошқарувни таъминлашдан, аҳолига ижтимоий-маданий хизмат кўрсатишдан иборат. Шундай қилиб, “давлат хизматчилари” тушунчаси ҳокимиятнинг марказий ва маҳаллий органларида хизмат қилувчи барча кишиларни бирлаштиради. Ҳудди бошқа мамлакатларда (ва бинобарин бошқа тилларда) бўлганидек, давлат хизмати расман “ижтимоий хизмат” деб аталади³¹.

Ўзбекистон Республикасининг “Қариялар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий заиф тоифалари учун мўлжалланган ижтимоий хизматлар тўғрисидаги” Конунида ижтимоий хизмат тушунчасига таъриф берилган.

Хусусан,

³⁰ Управление общественными отношениями: Учебник / Под общ. ред. В. С. Комаровского. М.: Изд-во РАГС, 2005. С. 17-18.

³¹ Давлат хизмати : Ўқув қўлланма / Э. Т. Хожиев, Г. С. Исмаилова, М. А. Рахимова. – Тошкент: Baktria press, 2015. –Б. 103.

- ижтимоий хизматлар — оғир турмуш шароитида қолган шахсларнинг (оилаларнинг) ҳаёти сифатини оширишга, жамият ҳаётида бошқа фуқаролар билан тенг ҳолда иштирок этиш учун имконият яратишга ва (ёки) ўзларининг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равиша қондириш имкониятларини кўпайтиришга қаратилган ёрдам кўрсатиш бўйича чоратадбирлар комплекси;
- ижтимоий хизматларни етказиб берувчилар — ижтимоий соҳа ташкилотлари, ижтимоий ёрдам хизматлари, нодавлат ташкилотлар ҳамда ижтимоий хизматлар етказиб берувчи якка тартибдаги тадбиркорлар;
- ижтимоий хизматларнинг истеъмолчилари — ижтимоий хизматлар кўрсатиладиган шахслар³².

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 21-ноябрдаги Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиши соҳасидаги устувор вазифалари муҳокамасига бағишлиланган йиғилишидаги “...балки муҳтожларнинг оёққа туришига кўмаклашиш” зарур деганларида, бугунги кундаги пандемия даврида Ўзбекистонда амал қилаётган “Темир дафттар” тушунчаси ва “Темир дафттар” га киритилган оилаларни ижтимоий-иктисодий қўллаб-кувватлаш орқали уларни бандлигини таъминлаш, даромадларини ошириш зарурлиги, натижада ушбу оилаларни фаровонликка эришишига қаратилган фаолият назарда тутилган эди. Шундай экан,

«Темир дафттар « – узи нима у³³? деган савол ҳам туғилиши табиийдир. Бунга жавобан “Темир дафттар” — карантин шароитида ишсиз, даромадсиз қолган эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож оилаларнинг маҳаллада шакллантирилган шаффоф рўйхати;

“Темир дафттар” ўз навбатида фуқаролар йиғинлари раисининг сектор ва ҳудуд раҳбари билан ҳамкорликдаги фаолиятини мустаҳкамлайди;

“Темир дафттар” ни юритишда эҳтиёжманд оилаларнинг 7 тоифаси, жумладан:

- кам таъминланган;
- ногиронлиги бўлган;
- ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар;
- якка-ёлғиз кексалар;
- доимий ишсиз фуқаролар;
- карантин туфайли ишсиз қолган фуқаролар;

-оғир эпидемологик ҳудудлардан кўчириб келинган фуқароларни камбағалликдан чиқариш чоралари кўрилди.

Масъул ходимлар ўзининг кунлик амалга оширилган ишлари юзасидан “Темир дафттарда”ги маълумотларни saxovat.argos.uz сайтида рақамли имзо калити орқали электрон шаклда киритиб борди. “Темир дафттар”га тушган оиланинг хеч бўлмаганда битта аъзоси жорий йилда иш билан таъминланиб, шу орқали уларни муҳтожликдан чиқариш чоралари кўрилди.

³² O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi web sayti <https://www.lex.uz/docs/3083192>

³³ Боймирзаева С. <http://xs.uz/.uz/post/temir-daftar-oz-nima-u>

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кундаги шароитда Ўзбекистон ҳукумати бутун куч - ғайратини, ижтимоий-иктисодий ресурсларини халқини қўллаб-қуватлаш ва ҳимоялаш орқали фаровонлигини ортиришга эришишга қаратган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. Биринчи жуз "Hilol-nash" нашриёти, Тошкент, 2013. –Б. 474-475.
2. Ал-адаб ал-муфрад. 37- бет. Имом Исмоил ал-Бухорий www.ziyouz.com кутубхонаси
3. Razzoqov A., Toshmatov Sh., Ormonov N. Iqtisodiy talimotlar tarixi. –Т.: Iqtisod-moliya, 2007. – Б. 13.
4. Конфуций, Ҳикматлар. Жўраев О., Жўраева К. Русчадан таржимаси. Тошкент. А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. Б.6-7.
5. Конфуций, Ҳикматлар. Жўраев О., Жўраева К. Русчадан таржимаси. Тошкент. А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. Б.6-7.
6. Аҳмедов Б., Аминов А. Амир Темур ўгитлари. – Тошкент: Навруз, 1992. – Б. 11.
7. Соғуний А., Кароматов А., Аҳмедов Б. Темур тузуклари –Т.: Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1191, - 144 б.
8. Давлат хизмати : Ўқув қўлланма / Э. Т. Хожиев, Г. С. Исмаилова, М. А. Рахимова. – Тошкент: Baktria press, 2015. –Б. 103
9. Управление общественными отношениями: Учебник / Под общ. ред. В. С. Комаровского. М.: Изд-во РАГС, 2005. С. 17-18
10. Боймирзаева С. <http://xs.uz/.uz/post/temir-daftar-ozi-nima-u>
11. O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi veb sayti <https://www.lex.uz/docs/3083192>
12. Абдурахмонова, М. М. (2020). Ижтимоий иш касбий фаолиятининг мактабга йўналтирилган соҳасини ривожланишида жаҳон амалиёти тажрибалари. *Журнал Социальных Исследований*, 3(6).
13. Абдурахмонова, М. М. (2021). Теории межсекторальных подходов к защите детей. *Человек. Наука. Социум*, (2), 62-74.
14. Абдурахмонова, М. М. (2021). Необходимость изучения общественного мнения для принятия эффективных решений в школе. *Человек. Наука. Социум*, (1), 33-46.
15. Абдурахмонова, М. М., & Маллабоев, Ш. А. (2016). Узбекская модель развития малого предпринимательства. *Ученый XXI века*, 62.

- 16.Абдурахмонова, М. М., & Содикова, Д. Ш. (2020). Efficiency of management of higher education institutions in the preparation of qualified personnel. *Человек. Наука. Социум*, (2), 8-27.
- 17.Абдурахмонова, М. М. (2021). Мактабларда самарали қарор қабул қилиш учун жамоатчилик фикрини ўрганиш зарурияти. *Журнал Социальных Исследований*, (SPECIAL ISSUE 1).
- 18.Абдурахмонова, М. М., & Орипов, А. (2019). Основные направления и приоритеты научной актуализации информационной парадигмы гражданского общества. *Мировая наука*, (12), 56-59.
- 19.Абдурахмонова, М. М., & Мирзажонов, Ж. (2020). Роль конституции в построении правового государства и гражданского общества. *Теория и практика современной науки*, (3), 9-11.
- 20.Абдурахмонова, М. М., & Маллабоев, Ш. А. (2016). Uzbek model of small business development. *Учёный XXI века*, (3-4 (16)), 58-63.
- 21.Madaliyeva, F., & Abduraxmonova, M. (2021). O‘zbekistonda maktab bitiruvchi o ‘quvchilarini kasb-hunar bilan ta’minlashda ijtimoiy ish amaliyoti. *Студенческий вестник*, (8-3), 94-95.
- 22.Abduraxmonova, M., & A'zamova, Z. (2021). O‘zbekistonda pensiya ta’minoti tizimini shakllantirishning muhim jihatlari. *Интернаука*, (7-2), 91-93.
- 23.Sharipova, K., & Abduraxmonova, M. (2021). O‘zbekiston mакtablarida mehribonlik uylari tarbiyalanuvchisi bo ‘lgan o ‘quvchilar bilan ijtimoiy ish amaliyoti istiqbollari. *Студенческий вестник*, (8-3), 82-83.
- 24.Abdurakhmonova, M., Karimova, G., & Karimova, M. (2021). Role of ethical culture in preventing violence among spupils. *Интернаука*, (11-2), 50-51.
- 25.Abdurakhmonova, M. M., Akramov, D. O., & Egamberdiev, F. A. (2020). Conceptual aspects of the development of social work in the new social protection system of Uzbekistan. *Chief Editor*, (5), 8.
- 26.Abdurakhmonova, M. M. ugli Mirzayev, MA, Karimov, UU, & Karimova, GY (2021). Information Culture And Ethical Education In The Globalization Century. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(03), 384-388.
- 27.Abdurakhmonova, M. M., Akramov, D. O., & Egamberdiev, F. A. Conceptual aspects of the development of social work in the new social protection system of Uzbekistan. *Chief Editor*.
- 28.Abdurahmonova, M. (2020). World practical experience of developing a school-oriented sphere of professional activity of social work. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(6), 1181-1186.